

Беморлик ва бошга тушган ташвишлар ҳам бир неъмат



22:48 / 24.04.2017 11404

يَا رَجُلَ الْوَسْرِ أَيُّ تَلْقٍ لَقَ هَلْ يَضْرُصِقُو بِي أَبَا نَبِذْ سَنَعِ
يَلْتَبُيْفُ، لَتَمَّ أَلْفُ لَتَمَّ أَلْمُثُ، أَيُّ بِنَ أَلْ: لَقَ؟ أَلَبْ دَشَأْ سَأَلْ
نَاكَ نِإِو، هُوَ أَلَبْ دَتَّ شَأْ أَبْ لُصُّ هُنَّ نِي دَنَّاكَ نِإِفْ، رُونِ دَبَّ سَحِ يَلَعُ لُجَّرْ
يَتَحْ دَبَّ غَلَّابُ أَلَبَّ لُحَرْ بِي أَمَفْ، رُونِ دَبَّ سَحِ يَلَعُ يَلْتَبُ أَلْقُرُونِ دِي
يَذْمُرْتَلْ هَاوْرُةً يَطِخُ هَيْ لَعِ أَمَّ ضَرَّ أَلْ يَلَعِ يَشْمِي هُ كُرْتِي

Саъд ибн Абу Ваққос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Эй Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Одамларнинг қаттиқ балоларга дучор бўлувчиси ким?” дедим. У зот: **“Пайғамбарлар, сўнг уларга яқинлар, сўнг яқинлар. Киши динига қараб имтиҳон қилинади. Дини метин бўлганнинг имтиҳони ҳам қаттиқ бўлади, дини сустроқ бўлса, динининг тақозосича имтиҳон қилинади. Бало бандадан ажралмай туриб олади ва охир оқибат уни ер юзида бирорта ҳам хатоси қолмаган ҳолда юрадиган қилади”** дедилар.

Термизий ривояти.

Ушбу ҳадисда турли касаллик, ғам ташвишга ботиб, қалби Аллоҳ таолога боғланган ва дуо ва истифғорни ўзига одат қилганларга башорат бор. Бу

бало Аллоҳнинг қаҳри эмасдир.

Ғам ташвиш ва касалликлар икки қисмдир

Инсон қачон бирор дард ёки ғам ташвишга ботса, қарздор бўлиб қолса, уй жойсиз қолса, икки ҳолатдан бири бўлади. Биринчиси бу Аллоҳнинг қаҳри ва азобидир. Иккинчиси банданинг даражаси баланд бўлиши ва унга ажру савобни кўплаб берилишига сабабдир.

Ғам ташвиш ва касаллик Аллоҳнинг азоби ҳамдир

Охират азоби қаттиқ бўлади. Шунинг учун гоҳида Аллоҳ таоло бандасини охират азобидан сақлаш ва учун тўғри йўлга қайтиши бу дунёда ҳам баъзи бир балоларга мубтало қилади. Аллоҳ таоло **“Сажда”** сурасида марҳамат қилади:

نُوعِ رِيٍّ مُّهِلَّ رَّبِّكَ الْإِبْرَاطِ الْإِبْرَاطِ الْإِبْرَاطِ الْإِبْرَاطِ الْإِبْرَاطِ الْإِبْرَاطِ الْإِبْرَاطِ الْإِبْرَاطِ الْإِبْرَاطِ الْإِبْرَاطِ

21. Албатта, уларга буюк азобдан олдин яқин азобни тоттирамиз.

Шоядки, қайтсалар.

Яъни «Ўша фосиқларга охиратнинг буюк азобидан олдин бу дунёдаги яқин азобни тоттирамиз. Шоядки, улар бундан сабоқ олиб, куфр ва фиққу фужурдан, ёмонликлардан қайтсалар».

Ғам ташвиш ва касаллик Аллоҳнинг раҳмати ҳамдир

سُنْفِ الْوَالِ الْأَوَّلِ الْأَوَّلِ الْأَوَّلِ الْأَوَّلِ الْأَوَّلِ الْأَوَّلِ الْأَوَّلِ الْأَوَّلِ الْأَوَّلِ الْأَوَّلِ
وَالْوَالِ الْأَوَّلِ الْأَوَّلِ الْأَوَّلِ الْأَوَّلِ الْأَوَّلِ الْأَوَّلِ الْأَوَّلِ الْأَوَّلِ الْأَوَّلِ الْأَوَّلِ
وَالْوَالِ الْأَوَّلِ الْأَوَّلِ الْأَوَّلِ الْأَوَّلِ الْأَوَّلِ الْأَوَّلِ الْأَوَّلِ الْأَوَّلِ الْأَوَّلِ الْأَوَّلِ

Аллоҳ таоло **“Бақар”** сурасида :

155. Албатта, сизларни бир оз хавф ва очлик билан, мол-мулкка, жонга, меваларга нуқсон етказиш билан синаймиз. Ва сабрлиларга хушxabар бер.

156. Улар ўзларига мусибат етганда: «Албатта, биз Аллоҳникимиз ва албатта, биз Унга қайтувчимиз», - деганлардир.

نُودَتُهُمُ الْاُمُّهَ كَلَّيْلُ وَاوْءَ مَحْرُومٍ مَّوْبَّرٍ نَمُّ تَاوَلِصٍ مَّهَيَلَعٍ كَلَّيْلُ وَا

157. Ана ўшаларга Роббларидан саловотлар ва раҳмат бор. Ана ўшалар, ўшаларгина ҳидоят топганлардир.

Иккиси орасида фарқ

Иккиси орасидаги фарқ шуки, биринчига мубтало бўлган киши Аллоҳ таолога юзланишни тарк қилади, тақдирига норози бўлади ва ҳаммага Аллоҳдан шикоят қилади. “Нега мени бунчалар балога гирифтор қилмаса? Нима гуноҳим бор? Ҳамма саломату менгина шундай дардга чалинганман” деяверади. Аллоҳ буюрган намоз, рўза ва бошқа фарзларни тарк қилади. Балолардан қутилиш чораларини қилсада, тавбага шошилиш, дуода бўлиш ва қилган хатоларини тўғрилашни, қилган зулм ва жафоларини тадоригини кўришни тарк қилади. Бу ҳолга тушиш бадбахтлик аломатидир. Агар бошига бало тушиши билан тавбага шошилса, дуо қилиб “Эй Аллоҳим, мен заифман, ночорман. Бунданда ортиқ балоларга лойиқман. Шундай бўлсада Ўз фазл-караминг ила менга нажот бергин” дейди. Дилида хатоларига афсус, тилида истиғфор бўлади. Юзидан ғами намоён бўлсада тилида Аллоҳдан шикоят қилиш, дилида нафратланиш деган нарса бўлмайди. Аксинча аввалгиданда ибодат ва зикрга машғул бўлади. Қилган хатоларини ўйлаб уни тўғрилашга киришади. Бу бало Аллоҳнинг раҳматидир, бу Аллоҳнинг ўша бандага муҳаббати борлиги ва унинг даражасини юқори бўлишини аломатидир.

Дунё ғамдан холи эмас

Баъзида кишилар: “Муҳаббат ҳам шундай бўладими? Яхши кўрган бандасини ҳам шундай балога гирифтор қилладими? Аллоҳ яхши кўрса, ором устига ором бахш этмасмиди?” дейишади. Бу дунё жаннат эмас, синов майдонидир. Инсон пайғамбар, валий, подшоҳ, бой ёки фақир-мискин бўладими, ким бўлишидан қатъий назар бирор дардга йўлиқиши, бошига ғам ташвиш тушишидан холи бўлмайди. Бир кун совуқ бўлса, бир кун иссиқ бўлади. Бу дунёда соғлик ва касаллик, хурсандчилик ва хафагарчилик, роҳат ва ғам ташвиш бирга юради. Фақат азобу-азоб дўзахда, орому-ором жаннатда бўлади. Бу дунёда беғам бўлиш йўқ.

Аллоҳнинг ҳар кимга берган давлати алоҳидадир

Аллоҳ кимгадир иймон ва соғлик давлатини берса, кимгадир молу-дунё, кимгадир солиҳ фарзандалар, кимгадир бошқарувчилик ва яна кимгадир бошқа нарсаларни берган. Худди шунингдек кимгадир бирор дардни берган бўлса, кимгадир фарзандсизлик, кимгадир ноқобил фарзандларни ва яна кимларга турли-туман ғам ташвишни берган. Кимгадир бойлик бериб, соғлигини олиб қўйган, кимгадир соғлик бериб бойлигини олиб қўйган. Хуллас ҳамманинг ҳоли алоҳида-алоҳидадир. Ҳамма қайсидир бир имтиҳонда ва ҳар ким ўзига берилган дардга ҳам неъматга ҳам шукур қилиши керак.

Ибратли воқеа

Бир киши ниҳоятда ночор ҳолда, зўрға кун кечирар экан. У бир куни мустажобуд даъват, яъни дуоסי кўп ижобат бўладиган кишининг ҳузурига борибди ва : «Менинг ҳаққимга дуо қилсангиз! Мен ҳам кам-кўсти йўқ кишилар каби ҳаёт кечирсам», деб, ўзининг ҳаққига дуо қилишини сўрабди. У одам: «Аввал сен бирор кам-кўсти йўқ одамни топиб, менга : «Шу одамга ўхшашни хоҳлайман», дегин! Кейин мен Аллоҳдан сенинг ҳаққинга дуо қилай», дебди. Фақир киши ўз шаҳридаги бозорларни айланиб юриб, бир дўкондорга кўзи тушибди. У бир гапириб, ўн кулар, савдо молларини хоҳлаганига арзонга сотар, хоҳлаганига бекорга эҳсон қилиб, бериб юборар эди. Атрофида икки-уч келишган йигитлар (ўғиллари бўлса керак) хизматига тайёр туришибди. «Шу одам, мен шу одамга ўхшашни хоҳлайман!» деб, дуогўйнинг ҳузурига борибди ва: «Фалон дўкондорга ўхшашни хоҳлайман», дебди. У киши фақирга: «Аввал сен унинг бирор ҳасрати бор-йўқлигини билиб келгин. Мабодо ташқи кўриниши сен орзу қилгандек бўлса ҳам, ичи ҳасратга тўла бўлса, сен ҳам қийналиб қолмагин», дебди. Фақир у зотнинг гапига қулоқ солиб, дўкондорнинг олдига келибди ва аҳволини баён қилибди. Шунда дўкондор қаттиқ хўрсиниб :

«Бирорта инсон мен каби бахтсиз бўлмаса керак, – дебди. Фақир ҳайрон бўлибди. Шунда дўкондор сўзида давом этибди:

– Аллоҳ менга мол-дунёни берди, лекин хотиннинг баракасини бермади. Эҳтиросга берилиб, шариатга номувофиқ иш қилдим ва Аллоҳ мендан

хотиннинг баракасини олиб қўйди. Бир куни аёлим қаттиқ касал бўлиб, ҳамма умидимиз узилди ва қайтиб соғаймаса керак, деб тайёргарликни кўра бошладик. Аёлим ҳам, мен ҳам бир-биримизни қаттиқ яхши кўрар эдик. Ўлимидан аввал у менга қараб: «Мен ўлсам, яна бошқасига уйланиб, кўрмагандек бўлиб кетасиз», деди. Ўзи ўлим тўшагида ётган бўлса ҳам, унинг бу гапида рашқ, ҳасрат аломатлари бор эди. Уни юпатиш учун қайта уйланмаслигимни айтдим, лекин таскин топмади. Мен эҳтиросга берилдим, ҳаммомга кириб, қайта уйлана олмайдиган ҳолатда чиқдим. Шундан сўнг аёлимнинг кўнгли таскин топди. Аллоҳнинг тақдири экан, у қабрнинг оғзидан қайтиб келди. Муҳаббатимга жавобан, бир-икки йил сабр қилди, кейин эса аёллигига борди. Сен кўриб турган болалар менинг фарзандларим эмас. Шариатга номувофиқ қилган бир ишим, мендан хотиннинг баракаси кетишига, умр бўйи ҳасратда қолишимга сабаб бўлди...» Шундан сўнг фақир ўзида бориға шукр қилиб яшай бошлади.

Пайғамбарлар энг суюкли зотлардир

Коинотда Аллоҳ таолога энг суюкли зотлар анбиёлардир. Улардан кўра Аллоҳга маҳбуб бирортаси бўлиши мумкин эмас. Шундай бўлсада бирорта пайғамбар мисли кўрилмаган имтиҳон ва балолардан холи бўлган эмас. Аллоҳ таоло Қуръони каримда бир нечаларига берган баъзи бир имтиҳонларини зикр қилган. Уларни ўқиган инсон “Аллоҳ Ўзи суйган бандаларини мунчалар қаттиқ имтиҳон қилмаса” деб қолади. Нух алайҳиссаломни кўринг, қавмидан кўрмаган зулми ситамлари қолмади. Ҳатто уйланган аёли ҳам хоин чиқиб, у зотга иймон келтирганларни қавмига сотиб борадиган ва қавми уларни азобга соладиган бўлган. Охир оқибат хотин тўфон балосида ғарқ бўлди. Иброҳим алайҳиссалом ўз ўғлини қурбонлик қилишларига буюрилдилар, ўтга ташландилар. Энг қаттиқ душмани ўзларининг отаси бўлди. Оддий иймон келтирган кишининг отаси бенамоз бўлиши фарзандга қанчалар азобли. У зотнинг отаси эса, иймонсиз бўлибгина қолмай буттарош бўлган. Охиратни қандайлигини билган кишига отасининг оқибатини қандайлигини билиш қанчалар аламли?

Маҳбуб бандага балолар нега?

مَلَسَ وَهِيَ لَعْنَةُ الْجَلِيلِ لَيْسَ الْجَلِيلُ وَسِرَّ لِقَاقٍ ، مُنْعَ الْجَلِيلِ فِي صَرْبِ لَعْنَةٍ
 ، أَبْصَرَ الْعَالَمَ لَعْنَةُ بَصٍ ، وَدَيْبَعٌ نَمَّ أَدْبَعُ فِي فَاصِئِ نَأُ الْجَلِيلِ دَارًا إِذَا
 لِقَاقٍ ، فَوُرْعَمٌ تَوْصٍ ؛ ةَ كَيْئَالَ تَلِقَاقٍ ، عِدَادِ إِفٍ ، أَجْثَاءَ الْعَالَمِ لَعْنَةُ جَثْوِ

هَلْ لَوْلَا قُوَّتِي ، هَلْ بَجَتْ سَافَكَوُعْدِي ، نَالْفَكَذْبَعِ اَدَهْ بَرَاي : لِي رُبِح
: لاق ، بَرَاي : لاق اذِف ، " هَتَوْصَعَمْ سَأْنَا بِحُأَيِّنَا " : عَلَاغَتَوَكَرَابَت
لِاصْخَثَالَتِ يَدْحِ عَلَ كَلْ تَبَجَتْ سَا اَلِ اِي شَبِي نُوُعْدَتِ اَلِ يَدْبَعِ كَيِّبَلِ
لِضَفَا وَهُ اَمْرَهْ اَلِ اِي فَكَلْ رَحْدَا نَا اَمِ اَو ، يَنْ لَأَسَتِ اَمْ كَلْ لَجْعَا نَا اَمِ :
هَلْ لَوْلَا لُوسَرَلِ اَقْمُث ، " كَلْ ذَلْتُمْ اَلْبَلَا نَمْ كُنْ عُوْعَفْدَا نَا اَمِ اَو ، هُنْم
نُوسَلِجَيِّفَهْ اَمِ اِي قَوْلَا مُوَيَنْ يَدِهْ اَجْمَلِ اَبِ يَتُوِي : مَلَسَوِهْ يَلْعَهْ لَوْلَا اَلِ لَصِ
رَقْدَصَتْ مُلِ اَبِ يَتُوِي وَرَبِ اَسْخَلْ لَسَلِجَيِّفِ يَلْصُمْلِ اَبِ يَتُوِي وَرَبِ اَسْخَلْ لِ
اَلِ وَرَبِ اَسْخَلْ لَسَلِجَيِّفِ اَلِ اَبِ يَتُوِي وَرَبِ اَسْخَلْ لَسَلِجَيِّفِ اَلِ اَبِ يَتُوِي
يَنْ مَتِي يَتَحِ اَسْخَلْ رِي غَبَهْ نَجَلِ اَلِ اَبِ يَتُوِي اَسْخَلْ مَث ، نَاوِي دَمُهَلْ رَشْنُي
اَيْنَدَلِ اِي فَضِرَاقْمَلِ اَبِ تَضْرُقْ مَهْدَاسْجَا نَا اَلِ اَبِ اَلِ هَا .

Али розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам : **“Қачон Аллоҳ бандаларидан бирини Ўзига муқарраб қилишни ирода қилса, устидан балоларни ёғдириб қўяди. Банда дуо қилганида фаришталар:**

“Таниш овозку” дейишади ва Жаброил:

“Эй Роббим, бу фалон банданг, сенга дуо қилмоқда, дуосини ижобат қилсанг” дейди. Шунда Аллоҳ таборак ва таоло:

“Мен унинг овозини эшитишни хуш кўраман” дейди. Банда қачон:

“Эй Роббим” деса, Аллоҳ:

“Лаббай бандам, нима деб дуо қилсанг сенга уч нарсадан бирини албатта бераман. Сўраганингни тездан бераман, ёки охиратга сўраганингдан афзалини таёрлаб қўяман ёки сўраганингни мислича сендан балоларни даф қиламан” дейди” дедилар. Сўнгра Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

“Қиёмат куни сафарбарликка чиққанларни келтирилиб, ҳисоб қилинишлари учун ўтирадилар. Намозхонни келтирилиб, ҳисоб қилинишга ўтиради. Садақа берганни келтирилиб, ҳисоб қилинишга ўтиради. Аҳли балони келтирилади. Улар учун тарози тикилмас ҳамда девони очилмас ва ҳисобсиз жаннатга олиб бориладилар. Шунда офият аҳли “жасадларимиз дунёда омбирлар билан қимчиб ташланганда эди” деб орзу қилишади” дедилар.

Демак Аллоҳнинг имтиҳонлари имтиҳон қилинганларнинг қиёматдаги даражалари баланд бўлиши, чеккан азоблари эвазига мисли кўрилмаган нематлар берилиши учун экан. Инъом берилганда чеккан азиятлар арзимас нарса эканлиги маълум бўлади.

تؤي ملسو هيلع هلالى لص هلالى لوسر لاق لاق كلام نب سنأ نع
عغبص رانللى فغبصيف ةمايقلل موي رانللى لهأ نم اي ندىللا لهأ معنأب
ال لوقيف طقميعن كب رم له طق اريخ تيأر له مدآ نبالا اي لاقيف م
ةنجللا لهأ نم اي ندىللا يف اسؤب سانللا دشأب ىتؤي و بر اي هلالو
له طق اسؤب تيأر له مدآ نبالا اي هل لاقيف ةنجللا يف عغبصغبصيف
تيأر الو طق سؤب يى ب رم ام بر اي هلالو ال لوقيف طق ةدش كب رم
م لسم هاور طق ةدش

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Қиёмат куни дунёда неъматларга кўмилган дўзахий инсонни келтирилиб, дўзах(азоби)га бир бор ботирилади. Сўнг : “Эй Одам фарзанди, ҳеч бир рўшнолик кўрганмисан, сенга бирор немат берилганми?” дейилади. У : “Йўқ, Аллоҳга қасамки, Эй Робб” дейди. Дунёда одамларнинг энг ночори бўлган жаннатий кишини келтирилиб, жаннат (нематлари)га бир бор ботирилади ва: “Эй Одам фарзанди, бирор марта ночорликни кўрганмисан, бирор бор қийинчиликни кечирганмисан” дейилади. У: “Йўқ, Аллоҳга қасамки, Эй Робб, бирор марта ночорликни кўрмаганман, бирор бор қийинчиликни кечирмаганман” дейди”** дедилар”.

Муслим ривояти.

Қийинчиликларнинг мисоли

Ашраф Али Таҳонавий роҳматуллоҳи алайҳ Аллоҳнинг имтиҳонларини моҳир табиб ва беморга ўхшатганлар. Бирор жарроҳлик амалиётига муҳтож инсон учун жарроҳ табиб жарроҳлик амалиётини кўрсатма берса, бемор уни қанчалик машаққатли билмасин, уни ўз бахти деб билади. Жарроҳдан илтимос қилади ва керак бўлса, барча ҳаражатларини кўтаради. Амалиёти муваффақияти учун жарроҳга ташаккур айтиб, ҳадиясини ҳам беради. Гўёки, жарроҳ тиғ ишлатиши ва озор беришига ҳаражат қилган бўлади. Чунки, бемор шу иш унинг оқибати ва саломатлиги учун фойдали эканлигини билади. Ортидан етадиган саломатлик улкан

нематлигини ва чеккан азоби унинг олдида ҳеч нарса эмаслигини билади. Жарроҳнинг ёриб, тикиб қўйиши бемор учун меҳрибонлик ва раҳмат, жарроҳ эса, энг меҳрибон зот бўлади. Худди шунингдек Аллоҳ таоло ҳам бирор бандасини балога мубтало қилса, бу у бандага қилинган амалиёт ҳисобланади. Бу билан унинг гуноҳларидан поклайди. Токи покиза ҳолда жаннатига киргазиш учун.

Имтиҳон вақтида қилиниши керак бўлган иш

Аллоҳ таоло тарафидан имтиҳон бўлганда банда Унинг Ўзига юзланиши, Ўзидан мадад сўраши ва мукофотидан умид қилиши керак. Аллоҳ таоло “Бақара” сурасида марҳамат қилади:

سُفِنَ الْأُولَىٰ وَالْأُولَىٰ نَمِّصْنَ وَوَعُوجُ الْأَوْفِ وَخَلَّ النَّمِّصُ بِمُكِّنَ وَوَلَبَّ النَّوْ
هَلَّلَ الْأُولَىٰ أَقْوَ عَبِيصُ مُمُّهُ تَبَّاصَا إِذَا نِيَدَّالَ نِيَرِبْ أَسْلَلِ رَشَبَ وَتَارَمَّ ثَلَّو
مُهَ كَيْلُ وَأَوْعَمَّ حَرَوَّ مَهَبَّرَ نَمُّ تَأُولَ صُمُّ هَيْلَعِ كَيْلُ وَأَوْعَمَّ حَرَوَّ هَيْلَلِ الْأُولَىٰ
نُودَتُّهُمُ الْجَا

155. Албатта, сизларни бир оз хавф ва очлик билан, мол-мулкка, жонга, меваларга нуқсон етказиш билан синаймиз. Ва сабрлиларга хушxabар бер.

156. Улар ўзларига мусибат етганда: «Албатта, биз Аллоҳникимиз ва албатта, биз Унга қайтувчимиз», - деганлардир.

157. Ана ўшаларга Роббларидан саловотлар ва раҳмат бор. Ана ўшалар, ўшаларгина ҳидоят топганлардир.

دَلَّ وَتَامَ إِذَا: لَأَقْمَلَسُو هَيْلَعِ لَلَّيْلَ صِيَّبَنَّ لِنَعِ، سِوْمُ يَبَّأَنْعِ
مَعْنِ: نُولُوقَيَفِ؟ يَدْبَعَدَلَّو مُمْتَضَبَقِ: وَتَكَيْلَالْمَلُّ لَلَّيْلَ لَأَقْمَلَسُو دَبَّعَلَّ
لَأَقْمَلَسُو: لُولُوقَيَفِ، مَعْنِ: نُولُوقَيَفِ؟ هَدَاؤْفَ رَمَمْتُمْتَضَبَقِ: لُولُوقَيَفِ
أَتَيْبِ يَدْبَعَلْ أُونْبَا: هَلَّالُولُوقَيَفِ، عَجَزْتَسَاو كَدِمَح: نُولُوقَيَفِ؟ يَدْبَع
يَدْمُرَّتَلَّالْثَلَّالْهَدَهَ وَرَدِمَحَلَّالْتَيْبِ هُوْمَسَوَّوَّعَنَّجَلَّيَفِ

Абу Мусо розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Бир банданинг боласи ўлса, Аллоҳ фаришталарига:

«Бандамнинг боласини қабз қилдингизми?» дейди.

«Ҳа», дейдилар.

«Унинг дил мевасини қабз қилдингизми?» дейди.

«Ҳа», дейдилар.

«Бандам нима деди?» дейди.

«Сенга ҳамд ва истиржоъ айтди», дейдилар.

Шунда Аллоҳ:

«Бандамга жаннатда бир уй бино қилинлар ва уни «Ҳамд уйи» деб номланлар», дейди».

Термизий ривояти.

Ажойиб қисса

Рухул баён тафсирида бир ҳикояни келтирилади. Унда : “Икки фаришта тўртинчи осмонда бир-бирига йўлиқиб, иккиси ҳам жуда ажойиб ишга буюрилганини айтиб қолишди. Бири: “Бир яҳудий ўлим тўшагида ётибди. Кўнгли балиқ ейишни хоҳлаяпти. Унинг яқинидаги сувларда балиқ йўқ. Истагини қондириши учун Аллоҳ таоло унинг ҳовузига бор жойдан балиқ ҳайдаб келишимга буюрди” деди. Бошқаси : “Мен унданда ажойиб ишга буюрилдим. Бир мусулмон ўлим тўшагида ётибди. Унинг ёнида ичишга сув турибди. Истаги бажо бўлмаслиги учун Аллоҳ таоло унинг ёнидаги сувни тўкиб юборишимга буюрди” деди. Икковлари Роббиларининг ҳукмини бажо келтиргач, Роббиларига : “Амрингни бажардик, лекин итоатингда бўлган мўминнинг маҳрум бўлишини, яҳудийнинг ёнида бўлмаган балиқни ҳайдаб келтиртириб едиришингни ҳикматини тушунмадик” дейишди. Аллоҳ таоло : “Сизлар амрларимдаги ҳикматларни билмайсиз. Менинг кофирларга бўладиган муомалам бошқа, мусулмонларга бўладиган муомалам бошқа бўлади. Кофирлар ҳам яхши амалларни қилади. Кимгадир ёрдам берган,

садақотлар қилган, мазлумларга ёрдам қилган бўлади. Уларнинг амаллари охиратда ҳеч қандай қадрга эга бўлмасда, яхшиликлари бесамар кетмайди. Амалларининг эвазиди бу дунёда нақд қилиб бераман. Сўраган дунёвий мақсадларини бераман ва амалларига эваз охиратга қолмайди. Мусулмонларга муомалам унинг акси бўлади. Уларнинг гуноҳлари эвазига турли балоларни бериб охиратга барча гуноҳларидан пок ҳолида боришини ирода қиламан. Яҳудий қилган барча яхшиликларини эвазиди олган ва биргина яхшилиги қолган эди. Ўлим тўшагида балиқ ейишни хоҳлади ва унинг хоҳишини адо қилиб охиратга барча яхшилигидан қуруқ ҳолида келишини хоҳладим. Мусулмонни эса биргина гуноҳи қолган эди. Сувни ичишдан маҳрумлиги ўша гуноҳига каффорат бўлиб, ҳузуримга покиза ҳолда келишини ирода қилдим” деди. Аллоҳ таолонинг ҳикматларини ким ҳам идрок қила олади?

Бу риёзатлар мажбурийдир

Йигирманчи аср машойихларидан Доктор Абдулҳай роҳматуллоҳи алайҳ: “Аввалда кишилар руҳий тарбия учун бирор шайх ҳузурига борар, улар эса талабаларга турли риёзат ва вазифаларни юклар эдилар. Мақсад уларда гўзал хулқни ҳосил қилиш ва ботиний беморликларни даф қилиш эди. Ҳозирда ундай риёзатлар кўпам фойда бермаяпти. Одамлар семизликдан озор чеккани учун қилаётган диетасича, руҳий тарбияга аҳамият беролгани йўқ. Зарари очиқ кўриниб турган парҳезида бардавом бўлмаяптилар. Шунинг учун Аллоҳ таоло баъзи вақтларда бандасини мажбурий риёзатга дучор қилади. Бундай риёзатларнинг самараси юқори бўлиб, бунда банда тез тараққиётга учрайди. Кўрмайсизми бир ой парҳез қилаган қайдаю, бемор бўлиб бир ҳафта томоғидан овқат ўтмай озиган қайда. Чунончи саҳобаи киром розияллоҳу анҳумлар даврида риёзатлар ихтиёрий эмасди. Қасддан таомларни тарк қилиш, ўзларига ўзлари турли вазифаларни юклаб олиш йўқ эди. Аммо мажбурий машаққатлар саноксиз эди. Калима айтиб иймонга келгани учун қизиган қумга ётқизиблиб, устидан тош бостирилиб қўйилар, ўлар ҳолга келгунларича калтакланар эдилар. Ўша даврда ақлларига келган азобларни беришар эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга бўлишларининг ўзида уларга қанчалар азоблар берилди. Хусусан исломнинг аввалида жуда оғир эди. Буларнинг барчаси мажбурий риёзатлар эди. Бу риёзатлар натижасида саҳобалар мисли кўрилмаган тараққиётга эришдилар. Улардаги иймон ва ихлос умматлар ичида бўлиши мумкин бўлган энг

охирги даражага етди. Улардан кейингилар асло улар даражасига етолмайдилар. Ҳатто Макка фатҳидан кейин иймон келтирганлар ундан аввал иймон келтирганларчалик бўлмасликларини Аллоҳ таоло “Ҳадид” сурасида баён қилган. Чунки уларнинг риёзатлари ўта оғир бўлган.

الضُّرُّ أَلْأَوْثَانُ سَلَّاتُ أَرْيَمَ ۖ لَوْلَا لَيْبَسَ يَفِ أَوْقَفُنْتُ أَلْأَمْكَلِ أَم
نَّمَّ عَجْرَدٌ مَطْعًا لِكَيْلُ وَوَأَلَّتْ أَوْحَتْ فَالْبَقِ نَمَّ قَفْنَا نَمَّ مُكْنَمَ يَوْتَسَي
أَمْبُ ۖ لَوْلَا وَنَسُخُ لَوْلَا دَعَا أَلْكَوْ أَوْلَّتْ أَوْ دَعَا نَمَّ أَوْقَفْنَا نِيْدَلِ
أَرْيَبَخَ نَوْلَمَّ عَت

10. “Сизларга нима бўлдики, Аллоҳнинг йўлида нафақа қилмайсизлар? Ҳолбуки, осмонлару ернинг мероси Аллоҳникидир. Сизлардан ҳеч ким фатҳдан илгари нафақа қилганларга ва урушда қатнашганларга баробар бўла олмас. Уларнинг даражалари фатҳдан сўнг нафақа қилган ва урушда қатнашганлардан кўра буюқдир. Аллоҳ барчаларига яхшилиқни ваъда қилган. Ва Аллоҳ нима қилаётганларингиздан хабардордир”.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларнинг мақомини зикр қилиб:

هِيَ لَعْلَعُ هَلْ لَ صَّيْبٌ لَلْأَقِ: لَأَقُ هُنَّ هَلْ لَ صَّيْبٌ رَّيْرُ دُخْلٍ دِي عَسَ يَبْ أُنَّ
عَلَبْ أَمْ أَبَّهَ دُخْلُ لَمْ قَفْنَا مُكَدَحًا نَأْ وَلَفْ، يَبْأَخْ صَأْ أَوْبُسَاتِ أَلْ: مَلَسْ وَ
هُوَ فِي صَنْ أَلْ وَ مَوْ دَحْ أَدْمُ

Абу Саъид Худрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Саҳобаларимни сўкманглар! Агар сизлардан бирингиз Уҳуд тоғидек олтин садақа қилса ҳам, улардан бирининг бир муддига* ҳам, унинг ярмига ҳам етмайди»**, дедилар».

* Муд (мудд) ҳажмда 0,6875 литр (\approx 0,688 литр), оғирликда 0,544 килограммга тенг.

Банданинг бошига тушадиган барча машаққатлар, касалликлар ва синовлар Аллоҳ таоло тарафидан бўладиган мажбурий риёзатлардир. Биз бало деб билаётган машаққатлар аслида Унинг раҳмати ва муҳаббатидир.

Бир мисол

Одатда кичик болалар сувдан қўрқишади. Онаси совунлаб, чўмилтириб оппоқ қилиб қўйгунича ҳамма ёқни бошига кўтаради. Чунки чўмилишдан бола қийинчиликни ҳис қилади. Она мажбурлаб уни чўмилтиради. Ишқалаб кирини чиқаради ва бадбўй ҳидларини кетказди. Боланинг дод-войига қарамайди. Бола онасини зулм қиляпти деб уйлайди. Гоҳида ҳақоратли сўзлар ҳам айтади. Аслида она боласини яхши кўрганидан, жисмини соф бўлишини хоҳлаганидан, ҳамманининг ўртасида жирканч ҳолда бўлишини истамаганидан шундай қилади. Бола улғайганида онаси унга қанчалар меҳрибон бўлганини англайди.

Иккинчи мисол

Ота она боланинг ёшлигида мажбурлаб мактабга олиб боради. Эрталаб ширини уйқудан қолади, беш олти соатлаб мактабда ўзини қамалгандай ҳис қилади. Ўйнаб юрган болаларни кўриб, янада ғами ортади ва “мен ҳам ўша болалар каби ўйнаб юрсам бўлмасмикан? Нега ота-онам мени азобга қўйишмаса? Нима гуноҳим бор мени” деб нолийди. Бу ҳолатда меҳрибонликнинг тақозоси ота-она болани мажбурлаб ўқитиши бўлади. Бола катта бўлганида агар ота-онаси мажбур қилмаганларида жоҳил қолар, ҳамма роҳат фароғатда бўлганида бу уларнинг олдида шарманда бўлиб, умрининг охиригача жазосини тортишини англайди. Худди шунингдек Аллоҳ таоло ҳам бандасини комил, ҳақ ва ноҳақни ажратадиган, соф иймонли ва ҳузурида гуноҳлардан пок инсон бўлишини хоҳлайди. Аллоҳ таолонинг муҳаббати ва шафқатининг тақозоси ҳам шудир. Шарти, банда бу ғам ташвишни Аллоҳ таолодан эканлигини билсин ва Ўзига ёлвориб савобни умид қилсин.

Айюб алайҳис саломнинг беморлиги

Тарихдан Айюб алайҳиссаломни қанчалар қаттиқ синовларга дучор бўлганлари барчамизга маълум. У зот битта аёлларидан ташқари барча фарзандлари, мону дунёларидан айрилганлар ва жуда ҳам узоқ йиллар мисли кўрилмаган дардга чалинганлар. Баъзилар бу дард ўн саккиз йилга чўзилган дейишган. Ҳамма у зотдан юз ўгирган, унинг устига шайтон келиб, манавий эзиш мақсадда: “Бу дард сенинг гуноҳларинг туфайли келди, Аллоҳ таоло сендан норозидир. Сен Унинг қаҳри ва ғазабига учрадинг” дейишни бошлади ва ўзича далиллар ҳам келтирди. Айюб

алайҳис салом шайтон билан мунозара қилдилар. Инжилнинг Айюб алайҳиссаломга тегишли саҳифасида батафсил келтирилган. Чунончи, Айюб алайҳиссалом салом : “Сенинг бу дард ва мусибатлар сенинг гуноҳинг туфайлидир, Аллоҳ таоло сендан норози деган гапинг нотўғри. Аксинча бу Аллоҳ таолонинг раҳмати, меҳрибонлиги ва менга бўлган муҳаббатининг аломатидир. Мен Роббимга шукрлар қиламан, Ўзига илтижо қиламан ва дардимга шифо беришини сўрайман, лекин нега мени дардга мубтало қилдинг деб шикоят ва эътироз қилмайман. Аллоҳ таоло бу ҳолатда ҳам Ўзига илтижо қилишимни насиб қилиши, шикоят қилдириб Ўзидан бошқаларга нолийдиган қилиб қўймаслиги менга бўлган муҳаббати ва раҳмати эканлигининг белгисидир” деганлар.

Мусибат Аллоҳ таолонинг раҳмати экалигининг аломати

Айюб алайҳиссалом пайғамбар бўлиб ҳам, пайғамбарларнинг улул азмларидан бўлганлар. Аллоҳ таоло у зотни бир қавмнинг руҳий табиби қилиб сайлаганлар ва Аллоҳшунос бўлганлар. Аллоҳ таолонинг одатларини энг яхши билганлардан бўлганлар. Шу зот мусибат ва дардларнинг қай бири раҳмату қай бири ғазаб эканини ажратиб, аломатларини ҳам айтиб берганлар. Мусибатга дучор бўлган киши тақдирдан норози бўлиб, шикоят қилиши ва ўзини бу дардга лойиқмас деб билиши Аллоҳ таолонинг бандасига қаҳри ғазаби, тақдирга рози бўлиши, бу мусибатни Аллоҳ таолонинг имтиҳони деб билиб, Ўзига ибодат ва илтижони кўпайтириши ҳамда “Эй Аллоҳ мен ожизман, бу дардларни кўтаролмайман, Ўз фазл-караминг ила мени бундан ҳалос қил” деб дуо қилиши муҳаббат ва раҳматнинг белгисидир. Чунки, ўшандек синовлар Иброҳим алайҳиссаломни ҳалилуллоҳ, Мусо алайҳиссаломни калимуллоҳ, Муҳаммад алайҳиссаломни ҳабибуллоҳ деб аталишларига сабаб бўлган. Аллоҳ таоло

﴿بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ نُوْحٍ اِسْحٰحِ رِيْعَب مُرَجْأ نُوْرِبْ اَصْل اِيْفُوِي

Албатта, сабр қилувчиларга ажрлари ҳисобсиз, тўлиқ берилур» деган. (“Зумар” сураси 10-оят).

Дуо қабул бўлишининг аломати

Баъзи вақтларда бало ва мусибатларга йўлиққанлар ибодатда бардавом бўлиб, Аллоҳ таолонинг Ўзига ёлвориб дуо қилсалар ҳам дуо ижобат

бўлмагандек бўлади. Шунда киши “бу мусибат, азоб ва қаҳрнинг аломати эмасмикан” деб қолади. Бунга жавоб шуки, Аллоҳ таоло бандасига тақдирга рози бўлиш, ибодатга қайтиш ва дуода бардавом бўлишни насиб қилиши дуо ижобат бўлганинг аломати ҳисобланади. Акс ҳолда дуога ҳам тавфиқ бўлмасди. Бундай вақтда мусибатга алоҳида инъом, дуо қилишга алоҳида инъом берилади. Бу мусибат даражанинг юқори бўлишига восита бўлади. Жалолуддин Румий роҳматуллоҳи алайҳ “Маснавий” ларида Аллоҳ таоло тарафидан ҳикоя қилиб: “Гуфт он Аллоҳ, ту лаббайка мост” яъни “унинг Аллоҳ дейиши бизнинг лаббай дейишимиздир” деганлар. Бу, банда қачон Аллоҳ деса, Аллоҳ лаббай бандам деганидир. Мусибатни қачонгача давом этиши ёки тездан ариши эса, Аллоҳнинг ҳикматига боғлиқдир. Бу худди табиб беморга қачонгача даволанишни чўзиш ёки тездан тўхтатишига ўхшайди.

مَلَسَ وَهَيْلَعُ لَلِ اِلَّصَّ لَلِ اِلَّوَسَّرَ لَاق : لَاق ، مُمْهَنْعُ لَلِ اِلَّصَّ رَّيْلَعُ نَع
 ، اَبَصَّ اَلْبَلَّ اِهَيْلَعُ بَّص ، وَدِيْبَعُ نَم اَذْبَع يِف اَصُّي نَأُ لَلِ اِدَارَا اِذِ :
 لَاق و ، فُورَعُمُ تَوْص : ةَكِئِ اَلْمَلَّ اِتَلَّاق ، عَد اِذِ اِف ، اَجَثَّ اَلْبَلَّ اِهَيْلَعُ جَّثَّ و
 ةَلَّ اِلَّوُقُيَّيْف ، ةَلْ بَجَّ تَسَّ اِف كَوْعَدِي ، نَأُ لَفْ كُذَّبَع اَدَهُ بَرَّ اِي : لِي رَّبِّج
 " : لَاق ، بَرَّ اِي : لَاق اِذِ اِف ، " ةَتَوْصَّ عَمُّ سَأُ نَأُ بَحُّ اِي نِ " : اِلَّعَاتَّ وَا كَرَّ اَبَت
 لَاصَّ خَثَّ اَلثَّ اِي دَحِ اِي لَعُ كَلَّ تَبَّ جَّ تَسَّ اِلَّ اِي شَبَّ يِنُ وُعَدَتَّ اِلَّ يِ دَبَّ عُ كَيَّ بَل
 لَصَّفَا وُه اَمَّ ةَرَّ اَلَّ اِي فِ كَلَّ رَحَّ دَأُ نَأُ اِمَّ اِو ، يِنُّ لَأَسَّتَّ اِمَّ كَلَّ لَجَّ عُ اُنَّ اِمَّ اِ :
 ةَلَّ اِلَّوُسَّرَ لَاق مُث ، " كَلَّ دَلَّ ثَمَّ اَلْبَلَّ اِمَّ كُنَّ عَفَّ دَأُ نَأُ اِمَّ اِو ، ةُنَّ م
 نَّ وُسَّ لَجَّ يَفِ ةَمَّ اِي قَلَّ اِمَّ وِي نَّ يِدَهَّ اِحُّ مَلَّ اِبَّ اِي تَوُّي : مَلَّ سَوَّ هَيْلَعُ لَلِ اِلَّصَّ
 ، قَدَّصَّتَّ مَلَّ اِبَّ اِي تَوُّي و ، بَّ اَسَّ خَلَّ لَّ سَلَّ جَّ يَفِ يِلَّصَّ مَلَّ اِبَّ اِي تَوُّي و بَّ اَسَّ خَلَّ لَّ
 اِلَّو ، نَأُ زِي مَّ ةَلَّ بَصُّ نِي اِلَّ فِ ، اَلَّ اِلَّ بَلَّ لَ اِلَّ ةَأُ بَّ اِي تَوُّي و بَّ اَسَّ خَلَّ لَّ سَلَّ جَّ يَفِ
 يِنَّ مَتَّ يِ اِي تَحَّ بَّ اَسَّ حَ رِّي غَبَّ ةَنَّ جَلَّ اِلَّ اِلَّ نَوُقَّ اَسُّي مُث ، نَأُ وِي دَّ ةَلَّ رَشُّ نِي
 اِي نُّ دَلَّ اِي فِ صَّ يِرَّ اِقَّ مَلَّ اِبَّ تَّ صَّرُّقُ مَّ ةَدَّ اَسَّ جَّ اُنَّ اِي فِ اِغَلَّ لَ اِلَّ ةَأُ

Али розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам :

“Қачон Аллоҳ бандаларидан бирини Ўзига муқарраб қилишни ирода қилса, устидан балоларни ёғдириб қўяди. Банда дуо қилганида фаришталар:

“Таниш овозку” дейишади ва Жаброил:

“Эй Роббим, бу фалон банданг, сенга дуо қилмоқда, дуосини ижобат қилсанг” дейди. Шунда Аллоҳ таборак ва таоло:

“Мен унинг овозини эшитишни ҳуш кўраман” дейди. Банда қачон:

“Эй Роббим” деса, Аллоҳ:

“Лаббай бандам, нима деб дуо қилсанг сенга уч нарсадан бирини албатта бераман. Сўраганингни тездан бераман, ёки охиратга сўраганингдан афзалини таёрлаб қўяман ёки сўраганингни мислича сендан балоларни даф қиламан” дейди” дедилар.

Сўнгра Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Қиёмат куни сафарбарликка чиққанларни келтирилиб, ҳисоб қилинишлари учун ўтирадилар. Намозхонни келтирилиб, ҳисоб қилинишга ўтиради. Садақа берганни келтирилиб, ҳисоб қилинишга ўтиради. Аҳли балони келтирилади. Улар учун тарози тикилмас ҳамда девони очилмас ва ҳисобсиз жаннатга олиб бориладилар. Шунда офият аҳли жасадлари дунёда омбирлар билан қимчиб ташланганда эди деб орзу қилишади”** дедилар.

Демак Аллоҳнинг имтиҳонлари имтиҳон қилинганларнинг қиёматдаги даражалари баланд бўлиши, чеккан азобларига эвазига мисли кўрилмаган нематлар берилиши учун экан. Инъом берилганда чеккан азиятлар арзимас нарса эканлиги маълум бўлади.

Ҳожи Имдодуллоҳ роҳматуллоҳи алайҳнинг воқеаси

Мусибатлар сўраб олинадиган нарса эмаску, лекин инсон бошига тушса, сабр қилиши керак. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам балолардан паноҳ сўраганлар. Бир дуоларида: “Эй Аллоҳ, сендан ёмон дард ва беморликлардан паноҳ сўрайман” деганлар. Мабодо бошига ўшандай дардлар келса, шикоят қилмай, ўзлари ҳақларида раҳмат деб билганлар ва уни кетишига дуо қилганлар. Ашраф Али таҳонавий роҳматуллоҳи алайҳ “Мавоиз”ларида бир қиссани келтирганлар. Ҳожи Имдодуллоҳ роҳматуллоҳи алайҳ бир мажлисда: “Банданинг бошига қанчалар бало келмасин у Аллоҳнинг раҳмати ва инъомидир. Агар банда унинг қадрини билса ва Аллоҳ таолога юзланса” дедилар. Шу вақт ўша мажлисга бир баданига оқ тушган киши келиб: “Ҳазрат, дуо қилсангиз, Аллоҳ таоло менинг дардимни аритса” деди. Ҳозир бўлганлар ҳазрат ҳозиргина барча мусибат Аллоҳ таолонинг неъматини унга шукр қилиш керак, ношукрлик ва ҳаммага шикоят қилмаслик керак деб тургандилар. Бу ҳолатда нима қилиш керак экан деб қолишди. Ҳазрат бу неъматни кетказгин деб дуо қилармиканлар ёки қилмасмиканлар деб қолишди. Ҳазрат дуога қўл

Афтидан, аёлни асосан ташвишга солган нарса ҳам очилиб кетишлари бўлса керак. Шунинг учун ҳам у киши Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга мурожаат қилганларида:

«Мени тутқаноқ тутади. Шунда очилиб қоламан. Аллоҳга менинг ҳақимда дуо қилинг», деди».

Агар у аёлни фақат тутқаноқ хасталиги ташвишлантирганда, ўшанинг ўзини айтиб қўя қолар эди. Чунки тутқаноқ бўлмаса, очилиш ҳам бўлмайди. Унинг асосий ташвиши баданининг ўз ихтиёридан ташқарида очилиши эди. Шунинг учун Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан дуо умидида келган эди.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам у кишига ихтиёрни кенг қўйдилар.

«Агар истасанг, сабр қилурсан ва сенга жаннат бўлур. Агар истасанг, Аллоҳга сен учун офият сўраб, дуо қилурман», дедилар у зот».

Бу ерда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам сабр орқали эришиш мумкин бўлган нарсани эслатиб қўйдилар. Ихтиёрни аёлнинг ўзига ташладилар. Олдин дуони қилиб қўйиб, кейин тушунтирганларида, аёл афсус қилиши эҳтимоли бор эди. Шунинг учун ҳам баъзи кишилар ёрдам сўраб келганда уларга ўша ишнинг ҳамма томонини баён қилиб бериш, ўзига танлаш имконини яратиш керак экан.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бу гапларидан кейин аёл, ҳозирги кунда чексиз қаҳрамонлик саналса ҳам, ўша вақт учун оддий ҳисобланган йўлни танлади.

«Сабр қилурман. Аммо очилиб кетишим бор. Аллоҳга менинг очилиб кетмаслигимни сўраб, дуо қилинг», деди аёл».

Яъни «Жаннатга кириш умидида тутқаноқ хасталиги шиддатларига, қийноқларига сабр қиламан. Тутқаноғимнинг тузалиши ҳақида Аллоҳга дуо қилмасангиз ҳам майли. Аммо тутқаноқ тутган пайтда очилиб кетишим мен учун катта мусибат, шуни йўқ қилишини сўраб, Аллоҳ таолога дуо қилишингизни сўрайман».

«Бас, у зот унинг учун дуо қилдилар».

Аёлнинг тутқаноғи тутганда бадани очилмайдиган бўлди. Ўзи эса дардга сабр қилгани учун жаннатга кириш ваъдасини олди. Бу ваъда ҳақ ваъдадир. Шунинг учун ҳам Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анху Ато ибн

Абу Рабоҳ розияллоҳу анҳуга юксак даражадаги ҳавас ва эҳтиром ила:

«Сенга аҳли жаннатдан бўлган бир аёлни кўрсатайми?» демоқдалар.

Ҳа, мўмин-мусулмон банданинг беморликка сабр қилиши унинг жаннатга эришишига сабаб бўлар экан

Мусибатга мубтало бўлган ожизлигини изҳор қилсин

Баъзи улуғларимиз бирор дардга йўлиқсалар, вой-войлаб қўйишар эди. Зоҳирдан олиб қаралганда бу мусибатга сабр қилмаслик ва шикоятга ўхшаб кўринар эди. Аслида эса, уларнинг бу каби ишлари шикоят ёки тақдирга норозилик бўлмасди, аксинса, ожизликнинг изҳори бўларди. Улар Аллоҳ таоло бу дардни менга Ўзининг ҳузурида шикасталигим, ожиз бандалигимни изҳор қилишим учун берди. Аллоҳ таоло Ўзига қиладиган оҳу-зоримни эшитиши учун берди” дер эдилар. Бу қуйидаги ҳадисга амал қилишнинг айна ўзидир.

مَلَسَ وَهِيَ لَعْلَلُ لَيْلٍ لِّلْأُلُسِّ رَلَّاق : لَاق ، مُنَعُ لَلَّيْ صَرَّيْلَعُ نَع
: أَبَصَّ أَلْبَلَّ لَعْلَعٌ بَص ، وَدِيْبَعٌ نَمَ أَدْبَعُ يِفَاصُّي نَأُ لَلَّ دَارَأُ إِذِ
لَاقُ و ، فُورَعٌ مُتَّوَص : ةَكَيْئَالْمَلَّتْ لَاق ، يَعْدُ إِذِاف ، أَجَثَّ أَلْبَلَّ لَعْلَعٌ جَثَّ و
لَلَّ لُوقِيْف ، هَلْ بَجَتْ سَافَ كُوعُدِي ، نَأَلْفَ كُذْبَعُ أَدَهْ بَرَّاي : لِيْرُبِح
" : لَاق ، بَرَّاي : لَاق إِذِاف ، " هَتَّوَصَّ عَمَّسَأُ نَأُ بَحُّأُ يِّنِإ " : يَلَّاعَتَّ وَكَرَابَت
لِاصْحَثَّالَّتَّ يَدْحُإِ يَلَّعَ كَلَّ تَبَجَتْ سَأَالِإِ عِيْ شَبَّ يِنُوعُدَّتْ أَلَّ يَدْبَعُ كَيْبَل
لُصْفَأُ وَهُ أَمَّ رَخَّأَلَّ يِفَ كَلَّ رَحَّ دَأُ نَأُ أَمِإُ و ، يِنُّ لَأَسَّتْ أَمَّ كَلَّ لَجَّعُأُ نَأُ أَمِإُ :
لَلَّ لُوقِيْفَ لَاقُ مُتَّ ، " كَلَّ دَلَّ نَمَّ أَلْبَلَّ نَمَّ كُنَّ عَفَّ دَأُ نَأُ أَمِإُ و ، هُنَم
نُوسَلَّجَّيْفَ مَاقِيْقُ لَاقُ مَوِيْ نَيْدَهْ أَجْمَلَّابَ يَتَّوِيْ : مَلَسَ وَهِيَ لَعْلَلُ لَيْلٍ لِّلْأُلُسِّ
رَقَّصَتْ مُلَّابَ يَتَّوِيْ و رِبَّاسَخَلَّ لَسَلَّجَّيْفَ يَلَّصُّ مُلَّابَ يَتَّوِيْ و رِبَّاسَخَلَّ لَلَّ
أَلَّ و ، نَأَزِيْمٌ مُهَلُّ بَصُّنُّيْ أَلْفَ رِءَالْبَلَّ لَهْأَبَ يَتَّوِيْ و رِبَّاسَخَلَّ لَسَلَّجَّيْفَ
يِنَّمَّ تَيَّ يَتَّحَّ رِبَّاسَخَلَّ رِيْغَبَ نَجَّالَّ يَلَّإِ نُوقِاسُّيْ مُتَّ ، نَأَوِيْدٌ مُهَلُّ رَشُّنُّيْ
أَيُّنُّ دَلَّ يِفَ صِرَاقُ مُلَّابَ تَضَرُّقُ مُهَدَّاسُجَّأُ نَأُ ةَيْفَ أَلَّ لَهْأُ

Али розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам :

“Қачон Аллоҳ бандаларидан бирини Ўзига муқарраб қилишни ирода қилса, устидан балоларни ёғдириб қўяди.банда дуо қилганида фаришталар:

“Таниш овозку” дейишади ва Жаброил:

“Эй Роббим, бу фалон банданг, сенга дуо қилмоқда, дуосини ижобат қилсанг” дейди. Шунда Аллоҳ таборак ва таоло:

“Мен унинг овозини эшитишни ҳуш кўраман” дейди. Банда қачон:

“Эй Роббим” деса, Аллоҳ:

“Лаббай бандам, нима деб дуо қилсанг сенга уч нарсадан бирини албатта бераман. Сўраганингни тездан бераман, ёки охиратга сўраганингдан афзалини таёрлаб қўяман ёки сўраганингни мислича сендан балоларни даф қиламан” дейди” дедилар. Сўнгра Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

“Қиёмат куни сафарбарликка чиққанларни келтирилиб, ҳисоб қилинишлари учун ўтирадилар. Намозхонни келтирилиб, ҳисоб қилинишга ўтиради. Садақа берганини келтирилиб, ҳисоб қилинишга ўтиради. Аҳли балони келтирилади. Улар учун тарози тикилмас ҳамда девони очилмас ва ҳисобсиз жаннатга олиб бориладилар. Шунда офият аҳли жасадлари дунёда омбирлар билан қимчиб ташланганда эди деб орзу қилишади” дедилар.

Бундай суратларда баҳодирликни намойиш қилиш нодонликдир.

Бир улуғ зотнинг воқеаси

Муҳаммад Шафеъ Усманий роҳматуллоҳи алайҳ бир улуғ зотнинг воқеасини ҳикоя қилиб: “Бузруглардан бири бемор бўлганида бошқа бир бузруг зиёратига келибди. Қараса “Алҳамдулиллаҳ, Алҳамдулиллаҳ” деб ўтирган экан. Келган меҳмон: “Бу ишингиз жуда яхши, лекин бир оз вой-войлаб ҳам туринг. Вой-войламагунингизча шифо ҳам келмайди. Чунки Аллоҳ таоло бу дардни сизга Ўзининг ҳузурида ожизлигингизни ва банданинг ҳоли қанчалик эканлигини изҳори учун берган. Бандаликнинг тақозоси ҳам шудир. Аллоҳ таолога баҳодирлигингизни кўрсатишингизга ҳожат йўқ. Борингизни намоён қилиб: “Мен бу дардни кўтаришга ожизман, ночорман Ўзинг даф қилгин” денг” деган эканлар. Қосим Нанутвий ҳузурига бир киши келиб: “Ҳазрат, умрим охирлаб қолди. Менга бирор вазифа берсангиз, шояд шу вазифа нажотимга сабаб бўлса” деди. Шунда у зот: “Аллоҳ таолонинг ҳузурига У зотнинг ҳузурида йўқ нарсалардан жўнатиб туринг. Чунки ҳар кимга ҳузурида йўқ нарса жуда қадрли бўлади” деди. Меҳмон қаттиқ хайратга тушиб: “Ҳазрат тушунмадим, У зотнинг

ҳузурида У зотга қадрли бўлган нарсанинг йўқ бўлиши мумкинми? Ахир У зот Роббул оламин, ҳар нарсанинг бор қилувчиси, Яратувчиси ва қодир мутлақку. Сиз айтинг! Ҳузурида нима йўқ? деди. “Аллоҳ таолонинг ҳузурида ожизлик, шикасталик, мухтожлик йўқ. Ҳар кун шукур қилиш билан бирга шуларни ҳам қилиб туринг” деди. Аслида бундай қилиш анбиёларнинг суннатидир. Айюб алайҳиссалом мусибатда қолганларида дуо қилгани Аллоҳ таоло баён қилиб:

نَيِّمِحَارِلْ اَمْخَرَاتَنْ اَوْ رُضِلْ اَيِّنْ سَمِ يِّنْ اَبَرَّ يَدَانِ ذَا بُوَيَاوْ

83. Ва Айюбнинг Ўз Роббига нидо қилиб: «Албатта, мени зарар тутди. Сен раҳмлиларнинг раҳмлисисан!» - деганини эсла. («Анбиё» сураси) деган. Одам ато ва Момо Ҳаввонинг бошларига тушган савдодан нажот топишлари учун:

نَمَّ نَنُوكَنَلْ اَنْمَخَرَتْ وَاَنْ لْ رَفَعَتْ مَلَّ نِ اِوَا نَسُفَنَا اَنْمَلَطَا نَبَرَّ اَلْ اَق
نَيِّرْسَاخْلَا

23. Икковлари: «Роббимиз, ўзимизга зулм қилдик. Агар бизни мағфират қилмасанг ва бизга раҳм қилмасанг, албатта, зиён кўрувчилардан бўламиз», - дедилар” деганларини («Аъроф» сураси) ва Юнус алайҳиссаломнинг балиқ қорнида туриб нидо қилганларини :

تَاْمُلْ طَلَا يَفِ يَدَانِ فَيَلَعِ رَدُوْنَ نَلْ نَأْنَطَفَا بِيضَاغَمَّ بَهَّذَا نُونَلْ اَدُو
نَيِّمَلْ اَطَلَا نَمُتُنُكَيِّنْ اِنَّا كِنَاخْبُسَاتَا اَلْ اَلْ اَلْ اَلْ اَلْ اَلْ اَلْ اَلْ اَلْ اَلْ

87. Зуннунни (эсла). Ўшанда у ғазабланган ҳолда чиқиб кетган эди. Бас, у Бизни ўзига (ер юзини) тор этмас, деб гумон қилди. Зулматларда туриб: «Сендан ўзга Илоҳ йўқ, Ўзинг поксан! Албатта, мен золимлардан бўлдим», - деб нидо қилди” («Анбиё» сураси) деб баён қилган.

Ибратли воқеа

Таҳонавий роҳматуллоҳи алайҳ бир кишининг воқеасини айтганлар. У кишига ҳол ёлиб келиб: “Мени сендан ўзга бирортасида ишим йўқ, ҳеч нарсада менга мазза қолмади, хоҳлаганингдек имтиҳон қил” деб юборди. Гўё менинг мазза қиладиган ҳеч нарсам қолмади, имтиҳонларинга таёрман дегандек бўлди. Кўп ўтмай бавл тутилиб, ҳожат чиқоролмай қолди. Бир

неча кун қовуғи тўлиб, ташқарига чиқмай азобда қолди. Охир нотўғри гапириб қўйганини англаб қолди ва хузурига ўқишга келадиган болаларга: “Даъвосида ёлғончи бўлган амакинғиз ҳаққига дуо қилингалар, Аллоҳ таоло мени бу дарддан ҳалос қилсин. Мен ёлғон даъво қилиб қўйдим. Роббим неъматларини қадрламадим. Аллоҳ таоло менга берган одамлар назарида неъматлиги эсдан чиққан нарсанинг маззасини эслатиб қўйди” деди.

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг бу ҳолатдаги суннатлари

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам инсон бошига мусибат тушганда йиғлашлари, баъзи сўзларни айтишлари, ожизликни изҳор қилиб, тадбирини кўриши мумкинлиги билдирганлар. Ўфиллари Иброҳим вафот топганида кўзларига ёш келган. Ғамгинликларини изҳор қилганлар.

هُلَلَا يَلْصِقُ لَوِ سَرَعَمَ أَنْ لَحَدٍ : لَأَقُوهُ نَعُهُ لَلِ يَضْرِكُ لِمَنْ نَبَسَنَ أَنْ عَ
هَيْلَعَمَ يَهَارِبُ إِلَى أَرْطَانِ الْو - نِيْقُولِ فِي سَبَأِ يَلْعَمَ لَسَوْ هَيْلَع
هُلَّ بَقَفَمَ يَهَارِبُ إِلَى سَوْ هَيْلَعُهُ لَلِ يَلْصِقُ لَوِ سَرَدَخَافُ ، مَالِ سَلِ
أَنْ يَعْ تَلْعَجَفُ ، وَسَفَنَبُ دُوْجِي مُ يَهَارِبُ ، كَلَدَنْ بَعَيْلَعُ أَنْ لَحَدٌ مَثُ ، هَمْ شَو
نُبْنَمُ حَرَلِ دَبْعُهُ لَأَقُفُ ، نَأْفَرَدَتَ مَلَسَوْ هَيْلَعُهُ لَلِ يَلْصِقُ لَوِ سَرِ
أَهْنِ ، فَوَعَنْ بَأِ أَيِ : لَأَقُفُ ! هَلِ لَوِ سَرِ أَيِ تَنْ أَوْ ؛ هُنَّ عُهُ لَلِ يَضْرَفُ وَعَ
نَغْلَانِ ؛ مَلَسَوْ هَيْلَعُهُ لَلِ يَلْصِقُ لَوِ سَرِ لَأَقُفُ يَرْحُ أَبِ أَعَبَتَا مَثُ . « هَمْ حَرِ
أَيِ لِقَارْفَبِ أَنْ ، أَنْ بَرِ يَضْرِي أَمِ الْإِلْ لَوْ قُنِ الْو ، نَنْزَحِي بَلَقُولِ أَوْ ، عُ مَدَتَ
« نُونُ وَنُحَمَلُ مَيَهَارِبُ ! » .

Анас ибн Молик розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам билан бирга темирчи Абу Сайфнинг олдига кирдик. У Иброҳимнинг – унга Аллоҳнинг саломи бўлсин – сут отаси* эди. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам Иброҳимни олиб, ўпдилар ва ҳидладилар. Кейинроқ унинг олдига яна кирдик. Иброҳим жон таслим қилаётган эди. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг кўзлари ёш тўка бошлади. Шунда Абдурраҳмон ибн Авф розияллоху анҳу у зотга:

«Сиз ҳам-а, эй Аллоҳнинг Расули?!» деди. У зот:

«**Эй Ибн Авф, бу раҳматдир**», дедилар. Сўнг кетидан яна йиғлаб:

«Албатта, кўз ёш тўкади, қалб маҳзун бўлади, аммо Роббимиз рози бўладигандан бошқани айтмаймиз. Албатта, биз сенинг фироқингдан жуда маҳзунмиз, эй Иброҳим», дедилар».

Вафот топиш вақтларида муборак қўлларини ёнларидаги пиёладаги сувга солиб, юзларига суртар эдилар. Фотима розияллоҳу анҳо У зот ҳузурларига кирганларида: “Бугундан сўнг отангизга машаққат йўқ” деб мусибатларини изҳор ҳам қилганлар. Аммо асло шикоят ва тақдирга эътироз қилиш мумкин эмас. Баҳодирликни изҳор қилиш ҳам керак эмас.